

Хизматда фойдаланиш учун

ТАСДИҚЛАНГАН
«Туронбанк» акциядорлик
тижорат банки Кенгашининг
2015 йил « ____ » декабрдаги
К-____ - сонли қарори билан

_____ И.Н.Нусуров

«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКНИНГ

2016 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН

БИЗНЕС-РЕЖАСИ

Тошкент – 2015

Мундарижа

I.	Банк паспорти.....	3
II.	Кириш.....	4
	Режанинг умумий кўриниши.....	4
	2016 йилда банкни ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.....	5
	Молиявий натижалар таҳлили.....	6
III.	Банк фаолиятини кенгайтириш.....	7
	Янги филиал ва минибанклар очиш.....	7
	Банк бўлинмаларини таъмирлаш.....	7
IV.	Банкнинг инвестицион фаолияти.....	7
V.	Кредитлаш фаолияти.....	8
	Банк томонидан 2016 йилда кредитлаш соҳасида амалга оширилиши режалаштирилаётган устувор вазифалар.....	10
VI.	Валюта амалиётлари.....	10
VII.	Қимматли қоғозлар бозоридаги фаолият.....	11
VIII.	Депозит фаолияти ва мижозларга хизмат кўрсатиш.....	12
IX.	Банкни ахборотлаштириш фаолияти.....	13
X.	Ходимларни бошқариш ва уларнинг малакасини ошириш.....	14
XI.	2016 йилда кутилаётган натижалар.....	15
XII.	Иловалар	

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг 2016 йилга мўлжалланган**БИЗНЕС-РЕЖАСИ*****I. Банк паспорти**

1. Банкнинг тўлиқ номи: «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки;
2. Банкнинг қисқартирилган фирма номи: «Туронбанк» АТБ.
3. Ташкилий-тузилмавий шакли: Акциядорлик жамияти.
4. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда – «банк») «Турон» консолидация тижорат банки (муассисларнинг 1990 йил 6 октябрдаги таъсис ийғилиши қарорига биноан очилган ва 1990 йил 31 декабрда Ўзбекистон Республика Давлат банкида 713/8-сон билан рўйхатга олинган) қайта тузиш йўли билан ташкил топган ва 1998 йил 20 октябрда қайта рўйхатга олинган.
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан банк амалиётларини амалга ошириш учун 2014 йил 13 декабрда 8 - сонли лицензия ва валюта амалиётларини амалга ошириш учун 32 - сонли Бош лицензия берилган.
6. Ҳуқуқий манзили: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-а уй.
7. Телефон рақами: (998 95) 144 60 00.
8. Факс: (998 71) 244 88 65.
9. Жами банк акциядорларининг сони – 9 650 та (49.713,7 млн.сўм):
 - Жисмоний шахслар – 7282 та (3.711,3 млн. сўм);
 - Юридик шахслар – 2 368 та (46.002,4 млн. сўм).
8. Банк томонидан хизмат кўрсатилаётган мижозлар сони – 333 431 та, шу жумладан юридик шахслар ва якка тартиbdаги тадбиркорлар 21 713 та.
9. Банкнинг филиаллари сони: 17 та.
10. Банк ходимлари сони: 1079 та.
11. Банкнинг Бошқарув органлари:
 - Банк акциядорларининг умумий ийғилиши
 - Банкнинг Кузатув Кенгashi
 - Банк Бошқаруви

Банк Кенгashi Раиси: Нусуров Исмат Нусратович

Банк Бошқаруви Раиси в.в.б.: Мирзаев Чори Садибақосович

*Бизнес—режа Турон банкнинг 2016 йилдаги фаолиятини ташкил қилиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур режага банкнинг йил давомида олиб борадиган ишлари ва уларнинг натижаларига кўра ўзгартиришлар киритиш мумкин эмас. Бизнес-режа Турон банкнинг «Хизматда фойдаланиш учун» хужжати хисобланиб маълумотларни банк Бошқаруви рухсатисиз бошқа шахсларга берилиши ман этилади.

II. КИРИШ

Режанинг умумий кўриниши

Ҳозирги кунда банк йирик молиявий институтлардан бири бўлиб, республиканинг барча ҳудудларида жойлашган 17 та филиали, 24 та минибанки, 28 та халқаро пул ўтказмалари шаҳобчаси, 7 та валюта айирбошлиш шаҳобчалари, 30 та коммунал касса, 17 та жамғарма касса ва 14 та маҳсус кассасидан иборат тармоқга эга.

Банкка «Standard & Poor's» халқаро молиявий рейтинг компанияси томонидан «Барқарор» рейтинг кўрсаткичи тақдим этилди. Шунингдек, «Ahbor Reyting» миллый банклараро рейтинг компанияси томонидан банкка «UzA» (Барқарор) рейтинг баҳоси тақдим этилди. Банк томонидан 2016 йилда 2015 йил фаолияти якунлари бўйича халқаро рейтинг компанияларининг рейтинг баҳоларини янада кўтариш режалаштирилмоқда.

Банк 2016 йилда ўз сиёсатини ўтган йиллардаги ривожланишнинг юқори суръатларини сақлаб қолган ҳолда ресурсларни юқори даромад келтирувчи йўналишларга сафарбар этиш, иқтисодиётнинг реал секторини молиявий маблағлар билан таъминлашда банкнинг иштирокини кенгайтириш, шунингдек банк хизматлари соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириш, мижозлар сонини кўпайтириш ва уларга кўрсатилаётган хизматларни юқори даражага кўтаришга қаратилган ҳолда олиб боради.

Банк мижозларининг асосий қисмини Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари, Адлия вазирлиги ҳамда унинг ташкилотлари, қўшма корхоналар, давлат корхоналари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар, савдо ва тижорат корхоналари ташкил қиласи. Банк томонидан хизмат кўрсатилаётган ташкилотларнинг маълум қисми доимий равишда миллый валюта ва чет эл валютасида кредит маблағларига эҳтиёжи мавжуд. Банк мижозларни самарали фаолият юритишига кўмаклашиш, уларнинг доимий равишдаги кредитга бўлган талаблари ва қайтариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мамлакат иқтисодий ривожланишига ўзининг ҳиссасини қўшиши лозим. Бунинг учун банк ўз мижозларини кредитлаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган хатарларни камайтириб, кредит портфели сифатини янада яхшилашга эришган ҳолда иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги мижозларга кредит хизматларини кўрсатади. Шунинг учун кредитлаш фаолиятини юқори даромадлилиги мазкур хизмат турини кўрсатишни ривожлантириш ва такомиллаштириш асосида, 2016 йил давомида ҳам банкнинг асосий даромад манбаларидан бири бўлиб қолади.

Республикамизда валюта бозорини эркинлаштирилиши, жорий операциялар бўйича миллый валюта конвертациясини таъминланганлиги халқаро тўловлар ва валюта амалиётлари ҳажмининг ошишига олиб келди. Банк 2016 йилда ушбу йўналишдаги фаолиятини амалга ошириш учун халқаро иқтисодий муносабатларга эга мижозларни жалб этишга, уларнинг эркин алмаштириладиган валюталардаги амалиётларини ўз вақтида бажарилишини таъминлашга, хорижий молия институтлари билан ўзаро алоқаларини ривожлантиришга, нақд хорижий валюталардаги жорий операциялар ҳажмини ошириб ички валюта бозорини ривожлантиришга хизмат қиласи.

Банк фаолиятини кенгайтириш ва такомиллаштириш банкнинг ички имкониятларини тўла ишга солиш, банкнинг регулятив ва устав капиталини ошириш, аҳоли ва корхоналарнинг вақтинчалик бўш пул маблағларини депозитга жалб этиш ҳисобига амалга оширилади.

2016 йилда банкнинг Қарши, Самарқанд, Наманган, Гулистан, Нукус, ва Жиззах филиаллари фаолиятини янада кенгайтириш ва рентабеллигини ошириш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, паст рентабеллик билан фаолият юритаётган Бухоро, Навоий, Термиз, Урганч, Фарғона, Шахрисабз, Зангиота, Миробод, Яшнобод ва Чилонзор филиаллари фаолиятини соғломлаштириш ва юқори рентабеллик кўрсаткичларига эришиш имкониятлари кўрилади.

2016 йилда банкни ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишлари

Банк даромадларини, аҳолига кўрсатилаётган хизмат даражасини ошириш учун қуидагилар банкнинг стратегик вазифалари бўлиши лозим:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелидаги 2340-сонли “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори талаблари ижросини таъминлаш мақсадида “Туронбанк” АТБнинг устав капиталидаги 63,1% давлат улушини хорижий инвесторларга сотиш чораларини кўриш;
- Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, банкнинг устав капиталини янада ошириш, ресурс базасини қўпайтириш, активлар сифатини яхшилаш, банк фаолиятини такомиллаштириш ҳисобига банкнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш;
- омонатчилар учун кафолатларни кучайтириш ва банк тизимиға аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш, янги омонатлар ва депозитларни тадбиқ этиш, кўрсатилаётган банк хизматларининг тури ва кўламини кенгайтириш йўли билан аҳоли ҳамда хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш;
- етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан кўлланиладиган халқаро нормалар, мезонлар ва стандартларга асосланган ҳамда алоҳида банк тизимининг бутун дунёда қабул қилинган янада юксакроқ баҳолаш кўрсаткичлари даражасига чиқиш йўлидан олға силжиб бориш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш;
- банк асосий кўрсаткичларини ижобий бўлишини таъминлаш ва халқаро рейтинг компанияларининг ва «Ahbor Reying» миллий рейтинг компаниясининг ижобий рейтинг баҳоларини олиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ижросини таъминлаш жумладан, банк ресурс базаси барқарорлигини ошириш, банкнинг ҳар бир филиалида жами депозитлар қолдиғини камидага 30%, узок муддатли депозитлар қолдиғини эса 20%га ошириш;
- банк жами капиталининг камидага 20%га ошишини таъминлаш;
- банкнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда банк иштирокини янада кенгайтириш, лойиҳаларни экспертиза қилиш ва хатарни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, кредитлар бўйича муаммоли қарздорликларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймаслик борасида чораларини кўриш йўли билан банкнинг кредит портфели муттасил ўсиши ҳамда сифати яхшиланишини таъминлаш;

- иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиялаштириш, банкнинг қимматли қоғозлар бозорида иштирокини кенгайтириш, жумладан юқори даромадли ишлаб чиқариш корхоналари, лизинг, суғурта ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари бўлган жамиятларда банк ролини янада ошириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни молиялаштириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш мақсадида микромолиялаш соҳасини ривожлантириш;
- банқда ҳисоб-китоб ва ҳисботларнинг янгича ёндашувларини шакллантириш, замонавий технологиялар ва услубларни жорий қилиш, банк ахбороти технологияси ва ахборотларни қайта ишлаш тизими сифатини ошириш, етакчи ҳалқаро рейтинг ташкилотлари талабларига мувофиқ ундан кенг кўламда фойдаланишни таъминлаш;
- банкнинг дунёда қабул қилинган стандартлар, услубиятлар ва баҳолаш кўрсаткичлари тизимида ишлай оладиган, профессионал тайёрланган юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш, банк фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш;
- банкнинг ликвидлилигини мақбул даражада сақлаб турган ҳолда юқори даромадлиликка эришиш, мижозлар базасини кенгайтириш мақсадида корпоратив мижозлар жалб қилиш, уларга рақобатбардош хизмат кўрсатиш тарифларини тақдим этиш ҳамда сифатли хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш;
- банк ресурс базасини барқарорлигини таъминлаш ва инвестицион фаолигини ошириш мақсадида юридик ҳамда жисмоний шахслар учун мўлжалланган депозит сертификатларини ҳамда банкнинг узоқ муддатли корпоратив облигацияларини чиқариш ва қисқа муддатларда инвесторлар орасида жойлаштириш;
- Ҳалқаро Тараққиёт ва Тикланиш банки (ХТТБ) нинг “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида 20,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағларини жалб қилиш;
- хорижий ҳамда маҳаллий банклар билан тажриба алмашган ҳолда стратегик режалаштириш тараққиётини ўрганиш ва улар билан ҳамкорлик қилиш;
- банк хизматларини молия бозорида ривожлантириш йўлларини излаш, янги банк хизматларини амалиётга тадбиқ қилиш ва уларнинг reklammasini ташкиллаштириш, жамоатчилик билан актив фаолият (PR) эвазига банкнинг имиджини яратиш ва шу имидж асосида фаолият олиб бориш.

Молиявий натижалар таҳлили

Инвесторларнинг банкка бўлган ишончини ошириш ҳамда аҳоли орасида олиб бориладиган реклама ва тарғибот ишлари натижасида 2016 йилда Устав капиталини камида 10,0 млрд. сўмга ошириш кўзланмоқда. Жумладан, банкнинг қўшимча эмиссия акцияларини чиқариш ва тўлиқ жойлаштириш ҳамда банк тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан Устав капиталини оширишга йўналтириш орқали банк Устав капиталини камида 60,0 млрд. сўмга етказиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, банкнинг 10,0 млрд. сўмлик депозит сертификатларини чиқариш ва тўлиқ жойлаштириш ҳамда 3,0 млрд. сўмлик корпоратив облигацияларини чиқариш ва тўлиқ жойлаштириш режалаштирилган.

Банкнинг актив операцияларини кенгайтириш, жумладан, иқтисодиётнинг реал соҳасини кредитлаш, инвестициявий фаолигини ошириш ҳисобига банк активларини

камида 10%га ўсишини таъминлаш мўлжалланмоқда. Банк активлари таркибида асосан даромад келтирувчи активларининг ўсиши ҳисобига банк даромадлилигини ошиши кўзда тутилган.

2016 йилда мижозларга банк хизмати кўрсатилишидан жами 151,0 млрд. сўм даромад олиниши, фаолият юритиш ва уни такомиллаштириш учун 132,0 млрд. сўм ҳаражат қилиниши, йил давомида эса олинадиган соф фойда 19,0 млрд. сўмни ташкил этиши режалаштирилмоқда.

III. Банк фаолиятини кенгайтириш

Янги филиал ва минибанклар очиш

Банк томонидан хўжалик субъектлари ва аҳолига кўрсатилаётган банк хизматлари доирасини кенгайтириш, замонавий банк хизматларини кўрсатиш, аҳолига банк хизматларини яқинлаштириш, қулайликлар яратиш мақсадида Тошкент шаҳрида 1 та филиал ва 1 та минибанк ташкил этиш ҳамда Самарқанд, Қарши, Хоразм ва Тошкент вилоятларида 1 тадан минибанк ёки ихтисослашган чакана хизматларни кўрсатиш марказларини очиш режалаштирилган.

Банк бўлинмаларини таъмирлаш

Банк фаолиятини кенгайтириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, банк филиаллари биноларини замонавий кўринишини таъминлаш мақсадида 2016 йилда ҳам филиалларда капитал ва жорий таъмирлаш ишларини давом эттириш мўлжалланган.

Жумладан, Марказий Амалиёт Бошқармасининг Юнусобод минибанки ўрнида Юнусобод филиалини таъмирлаш ишларини давом эттириш учун **400,0 млн. сўм** ва Бош банк биносини жорий таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари учун **650,0 млн. сўм**, Бухоро филиалини капитал таъмирлаш учун **50,0 млн. сўм**, Қарши филиалини жорий таъмирлаш учун **50,0 млн. сўм**, Навоий филиалини жорий таъмирлаш учун **10,0 млн. сўм**, Наманган филиалини жорий таъмирлаш учун **25,0 млн. сўм**, Самарқанд филиалини таъмирлаш ишлари учун **80,0 млн. сўм**, Термиз филиалини капитал таъмирлаш учун **50,0 млн. сўм**, Гулистон филиалини капитал таъмирлаш учун **25,0 млн. сўм**, Фарғона филиалини жорий таъмирлаш учун **10,0 млн. сўм**, Урганч филиалини жорий таъмирлаш учун **10,0 млн. сўм**, Нукус филиалини таъмирлаш ишлари учун **60,0 млн. сўм**, Жиззах филиалини таъмирлаш ишлари учун **150,0 млн. сўм**, Миробод филиалини жорий таъмирлаш учун **10,0 млн. сўм**, Шахрисабз филиалини таъмирлаш ишлари учун **52,0 млн. сўм**, Чилонзор филиалини таъмирлаш ишлари учун **60,0 млн. сўм** ва Яшнобод филиалини капитал таъмирлаш учун **50,0 млн. сўм**, жами **1.742,0 млн. сўм** ҳаражат қилиниши режалаштирилмоқда.

IV. Банкнинг инвестицион фаолияти

Банкнинг 2016 йилдаги инвестицион фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил учун инвестиция дастури, маҷаллийлаштириш дастури ва бошқа давлат дастурлари асосида тегишли вазифаларнинг ижросини таъминлашга қаратилади.

Шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни молиялаштириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган инвестицион лойиҳаларга кредитлар ажратиш ва шу орқали янги иш ўринлари яратиш масалаларига алоҳида эътибор берилади.

Хусусан, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 2016 йилда жами қиймати 96,3 млрд. сўмлик 197 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, шундан 121 та лойиҳаларни молиялаштириш учун 42,5 млрд.сўм миқдорида банк кредити ажратилиши режалаштирилган.

Жумладан, саноат соҳасини ривожлантиришга 27,5 млрд. сўм, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга 11,7 млрд. сўм ва қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга 3,3 млрд.сўм миқдорида кредит ажратилиши мўлжалланган.

Тошкент вилоятида “North Land Store” МЧЖнинг озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш учун “twist off” қопқоқларини ишлаб чиқариш ва литографиясини ташкил этиш лойиҳасига 3,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар, Қашқадарё вилоятида “Бунёдкор” МЧЖга турар жой биноларини қуриш учун 4 млрд. сўм, Наманган вилоятида “Қурувчи” МЧЖга 4,9 млрд.сўм, Сирдарё вилоятида “Peng-Sheng” Қ/Кга гранит ва кафеллар ишлаб чиқариш учун 15 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Мазкур лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида 2400 тадан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, Халқаро Тараққиёт Ассоциацияси (ХТА) иштирокидаги “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб - қувватлаш II - босқич” кредит линияси доирасида 2016 йилда жами 940 минг АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, “Туронбанк” АТБ томонидан Халқаро Тараққиёт ва Тикланиш банки (ХТТБ)нинг “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида 20,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағларини жалб қилиш ҳамда 2016 йилда мазкур кредит маблағларининг 10,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги қисмини ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

Мазкур лойиҳа маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавотчилик соҳасини, хусусан иссиқхоналар қуриш ва қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва қувватларини ошириш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш учун ускуналар ва қишлоқ хўжалик техникаларини сотиб олиш, мева-сабзавотларни сақлаш учун омборлар, музлаткич камераларини қуриш, уларни қадоқлаш, мева-сабзавотларни етиштириш каби йўналишлар молиялаштирилади.

Шунингдек, Осиё Тараққиёт банкининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш” лойиҳаси ва Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси (МФСР)нинг “Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги йўналишларини ривожлантириш” лойиҳаларининг маблағлари жалб қилиниши кўзда тутилган.

Банк томонидан жалб этиладиган хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлар ажратилиши мижозларнинг ишлаб чиқариш, айниқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш лойиҳаларини узоқ муддатли имтиёзли шартларда молиялаштириш билан бир қаторда банкнинг ушбу фаолияти бўйича кредит маржаси кўринишидаги даромади ошиб боришини таъминлайди.

V. Кредитлаш фаолияти

2016 йил учун банк кредит ажратиш, лизинг ва факторинг хизматлари кўрсатиш ҳамда банк кафолатлари бериш (кейинги ўринларда “кредитлаш”) фаолиятининг асосий мақсади кенг миёсдаги фаол операцияларни амалга ошириш, кредитлаш ишларини ташкил этиш, кредитлаш жараёнида вужудга келадиган таваккалчиликларни олдиндан кўра билиш ва уни самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳадаги банк

фаолиятида максимал даражада иқтисодий ва молиявий самараларга эришишдан иборат.

Кредитлаш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва мажлис баёнлари асосида амалга ошириладиган истиқболли инвестицион лойиҳаларни, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни молиялаштиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга устувор аҳамият берилади.

Шунингдек, кредитлаш фаолиятиниг асосий йўналишлари - маҳаллий хом-ашё ресурсларини қайта ишлашга асосланган ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, иқтисодиётнинг реал тармоғи корхоналарини ривожлантиришга, замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш лойиҳаларини амалга оширишга кредитлар, шу жумладан чет эл банклари ва халқаро молия институтларининг кредит линияларини жалб этган ҳолда кредитлар ажратишини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Банкнинг Кредит сиёсатига мувофиқ, банк ўз фаолиятини мижозларнинг қисқа муддатли лойиҳаларини молиялаштириш билан бир вақтда, узоқ муддатли кредитлаш салмоғини ошириш натижасида 2016 йил давомида кредитлаш фаолиятидан жами 70 млрд. сўм миқдорида даромад олиш режалаштирилган бўлиб, шундан узоқ муддатли кредитлардан 50 млрд. сўм даромад олиниши кўзда тутилмоқда.

2016 йил давомида банкдан кредит қарздорлиги бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан 250 млрд. сўм миқдорида кредитлар қайтарилиб қўшимча 300 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилади ҳамда факторинг ва лизинг хизматлари кўрсатилади ва банк кредит портфелини 495 млрд. сўм миқдорга етказилади.

Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида барча молиялаш манбаалари ҳисобидан ушбу соҳа субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 2016 йил давомида жами 260 млрд. сўм миқдорида кредитлар, шундан 36 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилиши режалаштирилмоқда.

Банк томонидан 2016 йил давомида ажратиладиган микрокредитларнинг 7,0 млрд. сўми касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг “Тижорат банкларининг кичик бизнесни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2000 йил 19 майдаги 195-сонли қарори асосида Имтиёзли кредитлаш маҳсус жамғармаси ҳисобидан 2016 йилда 1,7 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилади.

Имтиёзли кредитлаш маҳсус жамғармаси маблағлари устувор равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини, узоқ ва бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманлар ва шаҳарларда жойлашган ишлаб чиқариш микро фирмаларини, кичик корхоналарни, дехқон ва фермер хўжаликларини молиялаштириш учун ажратилади.

Банкимиз томонидан 2016 йил давомида кредит хатарининг олдини олиш мақсадида, қўшимча 5,0 млрд. сўм миқдорида заҳира ташкил қилиниб, умумий кредитлар бўйича заҳира фондини 15,0 млрд. сўмга етказиш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, банкнинг балансдан ташқари 95413 ҳисобрақамида юритилаётган кредитлардан 5,0 млрд. сўм миқдорида кредитлар ва 91501 ҳисобдан чиқарилган фоизлар ҳисобварағидаги 11,0 млрд. сўм фоизларни қайтариш режалаштирилган.

Банк томонидан 2016 йилда кредитлаш соҳасида амалга оширилиши режалаштирилаётган устувор вазифалар

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари асосида тасдиқланган дастурлар, хусусан инвестиция ва маҳаллийлаштириш дастурлари, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни молиялаштириш;
- Иктисодиётнинг устувор тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишга доир инвестицион лойиҳаларга инвестицион кредитлар ажратиш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини кредитлаш, айниқса оилавий бизнесни ривожлантириш мақсадларига кредитлар ажратиш ҳажмларини ошириб бориш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1047 ва ПҚ-1050-сонли Қарорлари талабларига мувофиқ озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга доир лойиҳаларни молиялаштиришни кенгайтириш. Бунда асосий эътиборни кўпроқ янги иш ўринлари, айниқса қишлоқ жойларда яратишни кўзда тутувчи лойиҳаларга кредит ажратишга қаратиш;
- Имтиёзли кредитлаш маҳсус жамғармаси маблағларини устувор равишда узоқ ва бориш қийин, шунингдек ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириш;
- Ёшларнинг айниқса, айниқса касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришга микрокредитлар ажратишни кенгайтириш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва чет эл банкларининг имтиёзли кредит линияларини ва грант маблағларини жалб этиш ҳамда ўзлаштириш ҳажмларини кенгайтириш;
- Банкнинг кредитлаш механизмини кредит таъминотига бўлган талабни ошириш ҳисобига янада такомиллаштириш, янги кредит маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва хизмат турларини жорий этиш, ажратилган кредит маблағларининг самарадорлигини таъминлаш.

VI. Валюта амалиётлари

2016 йилда валюта амалиётлари билан шуғулланувчи корпоратив мижозлар сонини 15 фоизга ошириш, ташқи савдо амалиётлари бўйича мижозларнинг буюртмаларига асосан йил давомида мижозларнинг талабидан келиб чиқиб хорижий валютани ЎзРВБда конвертация қилиш ишлари ташкил этилади.

Янги мижозлар жалб қилиш мақсадида чакана бизнес учун акция ўтказиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, чакана хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш

мақсадида Тошкент шаҳрида “Money Gram” халқаро пул ўтказмаси шаҳобчасини очиш режалаштирилмоқда.

Хозирги кунда кенг тарқалган VISA халқаро пластик карталари мижозлари сонини 2016 йилда 6 000 тага етказиш, VISA карталари бўйича айланмани 8 – 10 млн. АҚШ долларигача ошириш кутилмоқда. VISA карта эгалари учун қулайлик яратиш мақсадида WEB-информатор хизмат турини жорий қилиш режалаштирилган. Мазкур хизмат тури орқали мижозлар интернет тармоғи орқали реал вақт режимида ўз ҳисобвараклари қолдиги, ҳисобварак орқали амалга оширилган охирги 10 та операция ҳамда мазкур хизмат турини ўчириш, улаш ва ҳисобваракни стоп-листга киритиш имконияти яратилади (мўлжалланган лойиҳа қиймати 35 минг Евро). Шунингдек, VISA терминаллари орқали хизмат кўрсатиш тармоғини кенгайтириш мақсадида авикасса, ресторон, тиббий хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ва бошқа савдо ташкилотларига ўрнатиш учун қўшимча 50 та терминал сотиб олиш режалаштирилмоқда (битта терминал таҳминий нарҳи 815 АҚШ доллари миқдорида). VISA халқаро тўлов тизимида асосий аъзолик мақомини олиш режалаштирилган (таҳминий лойиҳа қиймати 1,5 - 1,7 млн. АҚШ доллари миқдорида).

Шунингдек, келгуси йилда “China Union Pay” халқаро карточкалари тизими аъзосига айланиш орқали транзакциялар ҳажмини ошириш режалаштирилган. Мазкур лойиҳани жорий қилиш учун 80 - 110 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарф этиш кутилмоқда.

Банк мижозларининг халқаро тўловларини ўз вақтида ва сифатли етказиш ва банкимиз хорижий вакиллик ҳисобвараклари тизимини кенгайтириш мақсадида АҚШнинг «Deutsche bank trust company Americas» банки, Германиянинг «Deutsche bank AG», «Commerzbank AG» ҳамда Австриянинг «Raiffeisen bank» банки билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш режалаштирилмоқда.

VII. Қимматли қоғозлар бозоридаги фаолият

«Туронбанк» акциядорлик тијорат банки Ўзбекистон Республикаси молия бозорининг энг фаол иштирокчиларидан бири бўлиб, ўзини молия бозорида ишончли ҳамкор сифатида намоён қилиб келмоқда. Консерватив ёндошув билан таваккалчиликни бошқариш сиёсати оқибатида ўтган давр мобайнода банк қимматли қоғозлар бозорида турли операцияларни амалга ошириб ижобий натижаларга эришиб келмоқда.

Эмитент сифатида қимматли қоғозлар бозорида фаол иштирок этиш орқали банк фаолиятини кенгайтириш, жалб қилинган қўшимча молиявий инструментлардан фойдаланган ҳолда банк ресурс базаси барқарорлигини таъминлаш, банк активлари таркибида узоқ муддатли ресурслар салмоғини ошириш, иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш, потенциал мижозларни кредитлаш, ресурс базасини мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг реал секторини ўз маблағлари ҳисобидан кредитлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрларни бажаришда асосий манбаа бўлиб банк устав капиталини ошириш, узоқ муддатли қарз мажбуриятларини жойлаштириш ҳисобланади.

Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тијорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли Қарори талабларини бажариш устувор вазифа қилиб белгиланган. Жумладан, банк жами капиталини йилига 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ошириб боришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Банк томонидан 2016 йил давомида қўшимча эмиссия акцияларини чиқариш ва жойлаштириш ҳамда банк даромадини капитализация қилиш ҳисобидан банк акциялари номинал қиймати юқори номиналдаги акцияларга конвертация қилиш орқали банк Устав капиталини камида 10,0 млрд. сўмга ошириш кўзда тутилган. Бу орқали банк Устав капиталини 60,0 млрд. сўмга етказиш режалаштирилмоқда.

Муомалага янги чиқарилаётган банк акцияларни “Тошкент” РФБ орқали очиқ жойлаштириш, бунда асосий эътибор банкнинг ҳудудлардаги ҳар бир филиалида аҳоли ва бошқа инвесторларнинг пул маблағларини жойлардаги фонд биржаси бўлимлари орқали банк томонидан чиқарилган акцияларни сотиб олишга жалб қилиш ишларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Банк томонидан чиқариладиган янги эмиссия акцияларини бирламчи эмиссия орқали жойлаштирилганда биринчи навбатда ўз имтиёзли хуқуқларидан фойдаланган акциядорларга, Қишлоқ ва сув хўялиги вазирлиги корхоналари ва ташкилотларига, шунингдек, ўзини қимматли қоғозлар бозорида ишончли ҳамкор сифатида намоён қилган барча юридик ва жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа норматив хужжатларига тўлиқ риоя қилган ҳолда сотилиши режалаштирилган. Банк акциялари тўғрисидаги маълумотларни кенг тарғиб қилиш, хусусан жойлардаги маҳаллий оммавий аҳборот воситаларида банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг афзалликлари ва уларга берилган имтиёзлар хақида тарғиб қилувчи реклама (реклама роликлари) ва эълонларни жойлаштириш орқали аҳоли ва тадбиркор жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини қимматли қоғозлар сотиб олишга йўналтириш ва шу орқали банк акциядорлари ичida уларнинг улушини кўпайтишига эътибор қаратилади.

Шунингдек, банк ресурс базасини мустаҳкамлаш, унинг таркибида узоқ муддатли ресурслар салмоғини ошириш мақсадида эмиссиявий ва ноэмиссиявий қарз қимматли қоғозлар чиқариш мўлжалланмоқда. Жумладан, 2016 йил давомида 10 млрд. сўмлик депозит сертификатлари ҳамда 3,0 млрд. сўмлик корпоратив облигациялар чиқариш ва уларни қисқа муддатларда потенциал сармоядорлар орасида жойлаштириш мўлжалланмоқда.

2016 йилда мамлакатимизнинг йирик инвесторларидан бири сифатида республика қимматли қоғозлар бозорида фаол иштирок этиш, мавжуд бўш пул маблағларни самарали ишлатиш мақсадида корхона ва ташкилотларнинг барча турдаги юқори даромад келтирувчи қимматли қоғозлари ва улушларига йўналтириш ишларини жадаллик билан олиб бориши кутилмоқда.

Шунингдек, банк ресурс базасини диверсификация қилиш мақсадида кулай шартлар асосида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан чиқариладиган ДҶМОларни сотиб олиш ҳам мўлжалланмоқда.

Банк томонидан, 2016 йил давомида қимматли қоғозлар операцияларидан жами 2,4 млрд. сўмга яқин даромад олиниши режалаштирилмоқда.

Юқоридагилардан ташқари банк қимматли қоғозлар бозорида профессионал иштирокчи сифатида «Тошкент» РФБдаги ўз брокерлик жойидан фойдаланган ҳолда қимматли қоғозлар билан актив операциялар амалга ошириш белгиланган.

VIII. Депозит фаолияти ва мижозларга хизмат кўрсатиш

2016 йилда ҳам Республика Хукумати ва Марказий банки томонидан олиб борилаётган Пул-кредит сиёсатини қўллаб-куватлаган ҳолда юқори даромадли омонат турлари жорий қилиниши давом эттирилади. Натижада аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш орқали жами аҳоли омонатлари қолдиғини

120 млрд.сўмга етказилиши кўзда тутилиб, уларга йил давомида 10.8 млрд.сўм миқдорида фоизлар тўлаб берилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, аҳоли омонатларини кафолатлаш фондига ўтказмалар 1 млрд.сўмни, омонат дафтарчалари тайёрлатиш учун қилинган харажатлар 100 млн.сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги ПҚ-1325-сонли Қарори талабларини бажариш мақсадида, банк томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотларига ўрнатилган терминаллар тармоғини янада кенгайтириш, қўшимча равишда карталар эмиссия қилиш, замонавий инфокиоск ва банкоматлар тармоғи орқали ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ҳамда нақд пулсиз тўловларини қабул қилиш ишлари изчил давом эттирилади. Шу мақсадлар учун 2016 йил давомида банкда пластик карточкалар орқали нақдсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш учун қўшимча равишда 70 000 дона пластик карточкалар эмиссия қилинади. Шунингдек, йил давомида қўшимча равишда 400 дона замонавий терминаллар, жами 5 дона инфокиосклар ҳамда пластик карточкалар орқали ҳисоб китобларни амалга ошириш бўйича бошқа воситалар сотиб олиниши режалаштирилмоқда.

Инфляция даражаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг қайта молиялаш ставкасини пасайиб бориши натижасида банкка юридик шахслардан депозитлар ва жисмоний шахслардан омонатлар жалб этиш банк ресурслари миқдорини кўпайтириш имконини беради. Юридик шахслар маблағларини депозитларга жалб қилишни режалаштиришда корпоратив мижозлар ва турли молия институтларидан депозитлар бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб жалб қилиш кўзда тутилган. Жорий йилда банк ресурс базасини барқарорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари фондлардан, йирик ташкилотлардан ва бошқа юридик ташкилотлардан узоқ муддатга муддатли депозитлар жалб қилиниши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, 2016 йил давомида банк даромадларини ошириш мақсадида банкларга банклараро депозит жойлаштириш ва ушбу амалиётлардан 160,0 млн.сўм даромад олиниши кўзда тутилмоқда.

IX. Банкни ахборотлаштириш фаолияти

2016 йил давомида банк тизимида янги технологияларни жорий этиш бўйича амалий тадбирлар давом эттирилади.

Ҳозирги кунда, банкимиз тизимида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишдан асосий мақсади - бошқарувни такомиллаштириш, банк харажатларини камайтириш ва иш жараёни сифатини ошириш учун замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мутасадди ташкилотлар, ҳамкорлар ҳамда мижозлар билан амалга ошириладиган ўзаро муносабатлар ва операцияларни ҳужжатлаштиришни янги кўринишда олиб чиқишдан иборатдир. Ҳужжатлаштиришни янги кўринишга олиб чиқишинг асосий воситаларидан бири - электрон ҳужжатлар айланиши тизими ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, банк тизими амалиётида кўпроқ эътиборни қулай ва хавфсиз ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат айланиш тизимини кенг қўлланилиши ўз мижозларига кўрсатиладиган хизматларнинг кенгайиши ва сифатини оширишга, келгусида амалга оширилиши кўзда тутилган фаолиятларни режалаштиришга, бажарилган ишларни тўлақонли равишда таҳлил қилишга ва шу орқали банкнинг юқори натижаларига эришишга олиб келади.

Бош банк ва филиалларда мавжуд техник жиҳозлар ҳамда 2016 йилда амалга оширилиши мумкин бўлган харажатлар прогнози бўйича олинган маълумотлар асосида ўтказилган таҳлиллар, шунингдек жорий йилда амалга оширилган харажатларни

хисобга олган ҳолда, Туронбанк АТБ тизимида Ахборотлаштиришни ривожлантириш мақсадлари учун 4.250,0 млн.сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда. Ушбу маблағ Ахборотлаштириш бўйича қуидаги мақсадларда сарфланади, яъни:

БДМАБ хизматлари учун 180,0 млн. сўм;

Oracle дастури лицензияларини сотиб олиш учун 1.500,0 млн. сўм;

МБ АБМнинг электрон тўлов хизматлари учун 200,0 млн. сўм;

ИАБС кузатуви учун 360,0 млн. сўм.

ИАБС дастури янги модулларини жорий этиш учун 150,0 млн. сўм

Антивирус лицензияси учун 80,0 млн. сўм.

МБ АБМнинг электрон почта хизматлари учун 120,0 млн. сўм;

Алоҳида алоқа каналлари ижараси учун 200,0 млн. сўм;

Бош банк серверни техник кузатуви учун 225,0 млн. сўм

Бош банк янги серверини сотиб олиш учун 250,0 млн. сум

Филиалларга оптик толали линия ўрнатиш учун 50,0 млн. сўм.

«Туронбанк» АТБ тизимида мавжуд бўлган компьютер техникаларини таъмирлаш, техник хизматларини кўрсатиш учун 185,0 млн. сўм.

Туронбанк АТБ тизимида мавжуд бўлган компьютер техникага эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 140,0 млн. сўм.

Интернет хизматлари учун 240,0 млн. сўм

Банкимиз тизимида мавжуд айрим компьютер техника ва ускуналарининг моддий ва маънавий эскирганлиги ҳамда юқори конфигурацияли техникаларга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлигини эътиборга олиб, компьютер, телекоммуникация ва периферия қурилмаларини сотиб олиш учун 320,0 млн. сўм;

Ходимларни янги технологиялар бўйича ўқитиш учун 50,0 млн. сўм.

Х. Ходимларни бошқариш ва уларнинг малакасини ошириш.

Хозирги кунда банк тизимида 1146 та штат бирлиги мавжуд бўлиб, амалда 1079 нафар ходим ишлаб келмоқда. Шундан, 865 нафар ходим банкнинг филиалларида ишлаб келмоқда. Банк ходимларининг сифат таркибига асосан 640 нафари (59,3%) олий (бакалавр), 346 нафари (32,1%) ўрта-маҳсус, 93 нафари (8,6%) ўрта маълумотли ходимларни ташкил этади.

Банк тизимида ходимларни касбий, иқтисодий ва хуқуқий билимларини ошириш мақсадида банк қошида ўқув маркази ташкил этиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелидаги 2340-сонли “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори талаблари ижросини таъминлаш мақсадида банк устав капиталидаги давлат улушкини хорижий инвесторларга сотиш режалаштирилаётганлигини инобатга олиб, банк ходимларини хорижий тилларни ўргатиш бўйича ишлар ташкил этилади.

Банк ходимларини малакасини ошириш, уларнинг сифат таркибини яхшилаш ва малакали мутахассисларни етиштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ходимларини 2016 йилда ўқитиш бўйича режа-жадвалига асосан банкнинг 185 нафар ходими Ўзбекистон Республикаси Банклари Ассоциацияси, Банк-молия

академияси, Минтақавий банк ўқув маркази ва бошқа ўқув марказларида малака ошириш учун юборилади. Шунингдек, банкнинг малакали ва салохиятли ходимларини жаҳоннинг йирик ўқув муассасаларида ўз малакасини ошириш, тажриба алмашиш бўйича ташкил этилган ўқув семинарларида иштирок этиши мўлжалланмоқда. 2016 йилда мамлакатимизнинг етакчи молия йўналишларидағи олий ўқув юртини битирувчиларини ишга қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

XI. 2016 йилда кутилаётган натижалар

2016 йилда банк барқарорлигини таъминлаш, активлар ўсишини молиялаш мақсадида жами капитални камида 113,0 млрд.сўмга, устав капитални камида 60,0 млрд.сўмга етказиш режалаштирилган. Шунингдек, 2016 йил якунига банк активларини камида 10-15%га ошириш ва жами банк активларини 800,0 млрд.сўмга етказиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, банк хизматларини кенгайтириш, мижозлар сонини кўпайтириш ҳисобига банк жами депозитларини ва узоқ муддатли депозитларни камида 20%га ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинган.

Банк томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматлар турини кенгайтириш, хизматлар сифатини такомиллаштириш ҳисобига 2016 йилда асосий эътибор мижозлар базасини диверсификация қилиш мақсадида йирик корпоратив мижозлар билан бир қаторда ўрта қатламдаги ташкилотлар ва кичик бизнес субъектларини жалб қилишга қаратилади. Йил давомида жами банк бўйича 1.000 тадан ортиқ мижозлар жалб қилиш ва мижозлар сонини 22.800 тага етказиш мўлжалланмоқда.

2016 йилда мижозларга банк хизмати кўрсатилишидан жами 151,0 млрд.сўм даромад олиниши, фаолият юритиш ва хизматларни такомиллаштириш учун 132,0 млрд. сўм ҳаражат қилиниши режалаштирилмоқда. Ушбу амалиётлардан йил давомида 19,0 млрд.сўм фойда олиниши кутилмоқда.

**“Туронбанк” АТБ
Бошқаруви Раиси в.в.б.**

Ч.С.Мирзаев